

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Тошкент давлат шарқшунослик институти**

Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё тиллари факультети

Хитой филологияси кафедраси

*Кўл ёзма ҳуқуқида*

**Матрасулова Малика**

Мавзу: Хитой тилида ҳурмат категорияси

Илмий раҳбар:

Ж. Зиямухамедов

**Тошкент – 2011.**

Факультет декани:

кат ўқ. Саидазимова У.

Кафедра мудир:

фил.ф.н. кат.ўқ. Носирова С.

## Мундарижа

|   |    |
|---|----|
| Кириш.....  | 10 |
| Асосий қисм.....  | 37 |
| I боб Хитой тилида хушмуомалалик категорияси ва ассоциатив фикрлаш масаласи.....                | 23 |
| 1.1.Хитой тилида ҳурмат категориясининг умумий таснифи.....                                     | 16 |
| 1.2. Хитой тилида хушмуомалалик категорияси.....  | 23 |
| II боб Этник ўзликни англаш жараёнида тилга ҳурмат масаласи.....                                | 35 |
| 2.1.Хитой маданиятида инсон танаси ва руҳияти ёрдамида ифодаланадиган ҳурмат категориялари..... | 31 |
| 2.2. Эҳтиром ва камтарликни билдирувчи сўзлар таҳлил.....                                       | 35 |
| Хулоса.....   | 37 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....   | 39 |

## Кириш

Президентмиз И.А.Каримовнинг 2011 йил апрель ойида Хитойга ташрифи бу икки буюк мамлакат халқлари тарихида янги давр ва пафос олиб кирди. Ташриф чоғида 24 та битим имзоланди. Хитой билан имзоланган барча битимларнинг аҳамиятли эканлигини таъкидлаган ҳолда, айниқса маданият ва таълим соҳасида ҳамкорликни кучайтириш ҳақидаги фикрлар биз учун ўта қимматлидир. Зеро, бугунга келиб фан ва тараққиётда коинотни забт этаётган хитойдек улкан давлатнинг фандаги ютуқларини ўрганиш фанимиз учун ҳам ҳар томонлама долзарб масала дейиш мумкин.

“Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий маънавий боғлиқлик тил орқали намаён бўлади. Жамики эзгу фазилятлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингган. Она тили – бу миллатнинг руҳидир”<sup>1</sup>.

Бевосита, мавзуимиз билан боғлиқ Хитой жамиятида тилга муносабат масаласи қандай, тарихда хитой тилига қандай муносабатда бўлиб келинган деган савол пайдо бўлиши тайин. ушбу ўринда эса хитойликларнинг ”тарих миллатнинг онаси” деган мақолни эслаб ўтишнинг ўзи кифоя қилса керак. Зеро, тил ҳам ижтимоий ҳодиса сифатида ҳар бир миллатнинг “булоқ кўзгуси” дир. Хитойнинг ўз тарихида тилнинг миллат тақдири ва тараққиёти учун унинг аҳамиятини нечоғлик эрта англаб етгани масаласини тадқиқ этиш давр нуқтаи назардан долзарб. Зеро биз ўрганаётган ҳурмат мавзуи Хитой ижтимоий ҳаётида ўрганиш замонлар ўтса-да, давр нуқтаи назаридан бўлиб келган. Бугунга келиб эса, хитой жамиятида бу масалани маданият ва қадириятлар мезонларидан келиб чиқиб илмий тадқиқ этишга бўлган қизиқиш янада ошди. Зотан, бугунга келиб Хитой

<sup>1</sup> Каримов И. Юксак маънавият енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008.-Б.83.

ташқи омиллар таъсирида анъанавий қадриятлар ўзгармоқда. Жамият ва оилада ижтимоий муносабатларда кенг ўзгаришлар содир бўлмоқда. Фикримизча “одоб /этикет/ муомаласи ” тушунчасини рус ва ўзбек маданий жамиятлар томонидан ўрганилиши катта назарий аҳамиятга эгадир. Хитой тили “оиладаги одоб /этикет/муомаласининг социолингвистик хусусиятларини ўрганиш миллатнинг маданий – тарихий мероси сабаб бўлиб қолган мулоқот жараёнининг этник хусусиятларини ўрганишга муайян ҳисса қўшади<sup>2</sup>. ҳамда одоб қоидалар (этикетни) ўрганиш соҳасидаги маданиятлараро ”

Шундай экан, масалага бундай ёндошув ҳурмат тушунчасининг ижтимоий воқеликда тутган ўрни, мазмун моҳияти баниҳоят кенг эканлиги ҳақидаги тўхтамга келинади.

Умуман, хитой тилида ҳурмат қилиш қаттиқ нормаларда белгилаб қўйилган. Масалан, Кунгзининг ҳурмат ҳақидаги фалсафий қарашлари таълимот сифатида ҳозир ҳам хитой жамиятида ўзининг ғоявий таъсирини сақлаб келмоқда. Масалан, Кунгзининг жамиятга нисбатан билдирилган қуйдаги фикрларида бунинг яққол исботини кўриш мумкин: «Жамиятда Хукмдор хукмдор, лта - ота, ука – ука, ака – ака бўлганда мамлакатда мувозанат сақланади.» фикрларида бир – бирини иерархик ҳурмати жамият ва давлат тинчлиги учун катта аҳамият касб этишлигини очиб беради. Конфуцийнинг /этикет/ ҳақидаги фалсафий таълимоти нафақат хитойда, балки Корея, Япония каби давлатларнинг жамият ҳаёти билан боғлиқ маданий қадриятларида ҳам муҳим ўрин тутди. Айниқса, унинг иерархик муносабатлари ҳақидаги қарашлари корейсларнинг оилавий ҳурмат масаласида мустаҳкам ўрин тутди. Ушбу таъкидлар юқорида ҳурмат категорияси ҳам маълум маънода фалсафий маъно касб этар экан деган фикрни яна бир қарра тўғрилигини тасдиқлайди.

---

<sup>2</sup> Labov William. Sociolinguistic Patterns/- Philadelphia:University of Penilvania Press. 1972.7

Ушбу ўринда ўзбек тилшунос олимаси Ш.Б. Содикованинг “Узоқ тарихий тараққиёт жараёнида ижтимоий-лисоний ҳодиса сифатида юзага келган ўзбек тилидаги ҳурмат категориясининг тадқиқи тилшунослигимиз учун бой фактик материал бериш билан бирга тилни амалий – жиҳатдан ўрганувчилар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади”<sup>3</sup>. “Ҳурмат категорияси - ижтимоий – лисоний (социолингвистик) ҳодиса бўлиб, лисоний – нутқий, семантик – грамматик ва услубий – интонацион жиҳатдан ўз ифодаланаш усул ва воситаларига, воқеланиш омил ва имкониятларига эга бўлган мураккаб, эътиборга лойиқ категориядир”<sup>4</sup>.

Хитой тилида ҳурмат категориясини келиб чиқиш масалаларига эътибор қаратар эканмиз, тилдаги воқеланишига кўра жуда кенг, чуқур фалсафий маъно касб этади. Унинг сабабларини эса қуйдагилар билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, Хитойда қадимдан кишиларнинг феодал тузумнинг узоқ асрлар давом этиши ижтимоий иерархик муносабатларни шакллантирди.

Ушбу ўринда қадимги хитой тилида ҳурматни англатувчи бир қатор мисолларни келтириб ўтамиз. 王 (wang) - тарихий маъноси “қирол, подшо” бугунги келиб ўзининг асл маъносини йўқотган бўлиб, кишларга нисбатан “исм шариф” маъносида келади.

大王(dawang) - тарихий атама сифатида “ҳукмдор, қирол, атаман” маъноларини англатади. 君(jun) - Султон, ҳукмрон, жаноб; 上(shang) тарихий маъноси –Жаноб олийлари сўзлари ўзаро (ҳурмат маъносида) подшо, мансабдор, киборлар учун ишлатилган. Аксинча;

公(gong) - сиз, сизни, жаноб, қайнота;

子(zi) - ўғил, авлод, бола, мураббий, донишманд;

<sup>3</sup> Содикова Ш.Б. Ўзбек тилида ҳурмат категорияси. Тош -2010.Б.3.

<sup>4</sup> Кўрсатилган манба. Ўша бет.

先生 (xiansheng) - мурожаат қилиш маъносида- “Жаноб, устоз, ўқитувчи” маъноларида келади;

足下(zuxia) – тарихий маъноси “Сиз”.

夫子(fuzi) - ўқитувчи, устоз.

夫人(furen) - хоним [ Сизни] рафиқангиз.

кабилар эса оддий одамларга нисбатан қўлланилиб келинган. Шунингдек, одатда қадимда ўқимишли, билимли кишилар исмидан сўнг хурмат тариқасида 君 (jun), 先生 қўшиб ишлатилган. Хитойда ҳам вақтлар ўтиб бориши билан қадимда истъмолда бўлиб келган хурмат маъносини англатувчи тушунчалар маъно хусусиятларини йўқотиб борган. Масалан, қадимда қарияларга нисбатан 老丈 Lao zhang – отахон (хурмат маъносида) ишлатилган бўлса, ҳозирда унинг ўрнига 老人家 laorenjia –қария, чол, отахон ва 阿公 agong – қария, чол, отахон сўзлари ишлатилмоқда. Шунингдек, қадимги хитой тилида хурмат маъносини англатувчи куйидаги сўзлар кенг қўлланилган.

Бошқаларнинг сингилларга нисбатан 贤妹 (xianmei) – сингилча сўзи ишлатилади.

Жиянларга нисбатан эса 贤侄(xianzhi) – (эркалаш маъносида) жиянгинам, жиянжон ва 世叔(shishu) қўлланилади.

Бошқаларнинг оталарига нисбатан 令尊(lingzun) – сизни отангиз;

令堂(lingtang) – сизни онангиз, ойижонингиз;

尊夫人 (zunfuren) – рафиқангиз маъносида келади.

Хитой тилида хушмуомалалик категорияси ва унинг хитой ассоциатив фикрлаш доирасидаги тил реализацияси, ҳурмат категориясининг умумий таснифи, эҳтиром ва камтарликни билдирувчи сўзлар, замонавий хитойликларнинг ҳурмат билан боғлиқ этник ўзини англаш хусусиятларини ўрганиш ушбу бақлаврлик ишимизни долзарблигини белгилайди.

**Битирув малакавий ишининг ўрганилиши.** Мавзумизнинг ўрганилиши билан боғлиқ жиҳатларига эътиборни қаратар эканмиз, хусусан, ўзбек хитойшунослигида ушбу иш ўрганиламган. Рус хитойшуносларидан Васильев Л.С., Жуламанова И.Г. Кросс, Барский К., Палецкий Д., Тертицкий К.М., Малявин В.В., Девятков А., Л. Делюсинлар ишларида айрим қирраларини ўрганлиганлиги кузатилади <sup>5</sup>.

**Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари.** Хитой тили грамматикаси ва унинг хусусиятлари, хитой тили социолингвистикасига оид масалаларининг айрим жиҳатларини таҳлил қилиш. Шунга мувофиқ қуйдагилар:

- Хитой тилида хушмуомалалик категорияси ва унинг хитой ассоциатив фикрлаш доирасидаги тил реализацияси масаласи ўрганилди;
- Хитой тилида ҳурмат категорияси грамматик тушунча сифатида тасниф қилинди;
- Эҳтиром ва камтарликни билдирувчи сўзлар кўриб чиқилди;

<sup>5</sup> Васильев Л.С. Проблемы генезиса китайской мысли: формирование основ мировоззрения и менталитета / Л.С. Васильев- М.: Наука,1989; Жуламанова И.Г. Кросс – культурные теории вежливости и стратегии речевой поведения / И.Г. Жуламанова// Изучение китайского языка – М.: “Муравей”, 2003; Барский К., Палецкий Д. Китайская грамота мимики и жестов // Азия и Африка сегодня. 1994; Малявин В.В. Китайская цивилизация. М. , 2002; Чукас Е.А. Влияние Конфуцианской философии на семейно – бытовые отношения в Китае // Россия и Китай на дальневосточных рубежах. Благовещенск,2002.; Васильев Л.С., Кобзызов А. И. Предсловие // Этика и ритуал в современном Китае: Сб.статей/ Под ред. Л.С. Васильева. М., 1988; Тертицкий К.М. Китайцы: традиционные ценности в современном мире. М., 1994; Малявин В.В. Китайская цивилизация. М.,2002; Девятков А. Красный дракон. Китай и Россия в XXI веке. М., 2002; Делюсин Л. Модернизация и учение Конфуция// Азия и Африка сегодня. 2002; Маслов А.А. Образы маскулинности – фемининности и супружеских отношений в традиционном Китае // Вестник Московского университета. Серия: Востоковедение. М., 1997.

- **Замонавий хитойликларнинг этник ўзини англаш хусусиятлари.**

**Битирув малакавий ишининг янгилиги.** Ушбу БМИ ўзбекхитойшунослигида ўрганилаётган дастлабки ишлардан ҳисобланади. Иш жараёнида хитой тилидан ўзбек тилига катта ҳажмдаги таржима ишлари амалга оширилди.

**Ишнинг объекти.**

Хитой тилида ҳурмат категорияси ва унинг хусусиятларини ўрганиш.

**Ишнинг предмети.**

Хитой тилида хушмуомалалик категорияси ва унинг хитой ассоциатив фикрлаш доирасидаги тил реализацияси, ҳурмат категорияси грамматик тушунча сифатида тасниф қилинди, Эҳтиром ва камтарликни билдирувчи сўзлар кўриб чиқилди, ҳурмат катеҗриясининг фалсафий жиҳатларини ўрганиш ташкил этди.

**БМИнинг назарий методологик асослари.** Мазкур тадқиқотни олиб боришда ўзбек, хитой, рус, инглиз умумий тилшунослиги бўйича фундаментал ишлар, лингвистика, семантика, социолингвистикага бағишлаган ишлар, шунингдек, Содиқова Ш.Б., Гуломов А., Раҳматуллаев Ш., Ҳожиева Ҳ., А. Ходжаев., М.Ҳ. Махмутходжаев., Ш.И. Шазаманов., Б. Турсунов хитойлик олим Чжао Тидун., россиялик олимлардан, Васильев Л.С., Жуламанова И.Г., Барский К., Палецкий Д., Малявин В.В., Чукас Е.А. Васильев Л.С., Кобзызев А. И., Тертицкий К.М., Малявин В.В., Девятов А., Делюсин Л., Маслов А.А. ишлари тадқиқот манбаи бўлиб хизмат қилди.

**БМИнинг амалий аҳамияти.** Хитой социолингвистикаси, ХХРнинг маданияти, миллиф маданий қадриятлари ва фалсафасига қизиқувчилар учун амалий мазмун касб этиши мумкин.

Шунингдек, БМИ ишларидан хитой тили бўйича курс ишлари, амалий машғулот ва маъруза матнларини тайёрлашда қўл келиши мумкин.

**БМИнинг мавзуси** ТошДШИ институти Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё тиллари факультети Хитой филологияси кафедрасида тасдиқланган.

**БМИ тузилишига** кўра кириш, асосий қисм, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

Битирув Малакавий Ишининг **биринчи боби,**” Хитой тилида хушмуомалалик категорияси ва ассоциатив фикрлаш масаласи” деб номланади. Ушбу бўлим ҳам учта фаслга бўлинади. Булар, “Хитой тилида хурмат категориясининг умумий таснифи” ва “Хитой тилида хушмуомалалик категорияси ассоциатив фикрлаш масаласи” ҳамда “эҳтиром ва камтарликни билдирувчи сўзлар”.

**Иккинчи боб** эса “ Этник ўзликни англаш жараёнида тилга хурмат масаласи” деб номланади. Биринчи фасл “Хитой маданиятида физик тана ”, иккинчи фасл “Талаб қилиш ва иқдор бўлиш”, учинчи фасл ”Тил нутқи ривожидида фалсафанинг ўрни ”, деб номланади.

## I боб Хитой тилида хушмуомалалик категорияси ва ассоциатив фикрлаш масаласи

### 1.1. Хитой тилида хурмат категориясининг умумий таснифи

Хитой узоқ тарихининг одоб нормаларида кўплаб хурмат категорияси<sup>6</sup> га мансуб сўзлар мавжудлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Хурмат категориясига мансуб сўзлар сўзловчининг суҳбатдошга нисбатан кўлловчи хурмат сўзлардир.

Масалан, маданий қадриятларда бир – бирига яқин турувчи «Япон тилида хурмат категорияси икки хил ифодаланаши таъкидланади»<sup>7</sup>. Бу ҳақда В.М. Алпатовнинг қуйидаги фикрларини эслаш кифоя «Биринчиси, «адрессатив» категория, бунда сўзловчининг суҳбатдошига, иккинчиси «гоноратив» категория сўзловчининг суҳбатида сўз бораётган ўзга шахсга нисбатан ижобий муносабатини ифодалайди. Ҳар қайси категория ўз ифодаланиш шакли ва

---

<sup>6</sup> Категория муайян маъно ва шакллар тизимидан иборат бўлиб, грамматика таркибига киради ва кенгрок тушунчани билдиради. Чунки, категория кенг маънода фонетик, лексик ёки семантик ҳодисалар тизимидан ҳам ташкил топиши мумкин. Категория тушунчаси (атамаси) мураккаб бўлиб, бошқа фан соҳларида ҳам учрайди. Шунингдек, категориялар моҳияти жиҳатидан ўзаро фарқланади, ифодаланиш усули, тасвир воситаларига кўра бир – бирига ўхшамайди. Масалан, келишиклар тизими соф грамматик категория саналади, унлилар тизими – фонетик, сўз ясрвчи аффикслар тизими – лексик грамматик, хурматлаш, сизсираш ҳодислари ижтимоий – лисоний категория ҳисобланади/ Қаранг: Содиқова Ш.Б. Ўзбек тилида хурмат категорияси –Тош.2010й.Б.6.

<sup>77</sup> Қаранг: Содиқова Ш.Б. Ўзбек тилида хурмат категорияси –Тош.2010й.Б.7.

тизимига эга: адрессатив категория шакллари феъл, предикатив сифат ва боғлама кўринишида; гоноратив категория шакллари эса барча мустакил сўз туркумлари кўринишида намаён бўлади. Адрессатив категорияда адрессатив ва ноадрессатив, гоноратив категорияда бетарафлик ва камтарлик билдирувчи шакллар ўзаро зиддият ҳосил қилдаи. Бетараф шакллар ҳам ҳурмат, ҳам камтарлик ифодалай олади. Бу шаклларнинг махсус қўшимчаси йўқ »<sup>8</sup>. Ҳаттоки, Хитой тилида мурожат этилаётган шахс билан боғлиқ нарса ва ҳодисалар ўртасидаги мурожатида ҳам ҳурмат сўзларидан кенг фойдаланиши кузатилади. Масалан, исми шарифини сўраганда 请问尊姓大名 (qingwen zunxingdaming); Қаерда яшашини сўраганда 仙乡何处 (xianxianghechu); Ёшини сўраганда 贵庚几何 (guigeng jihe). Мурожат қилинаётган шахснинг оиласи ёки турар жойи аталаётганда: 贵府 (guifu) , 府上 (fushang) деб, мурожат қилинаётган шахснинг ижодий ишига нисбатан 大作 (dazuo) ва мурожат этилаётган шахснинг фикрига 高见 (gaojian) деган такаллуфлар.

Бир неча асрларки, хитой халқи ўзаро ижтимоий муносабатларда ҳурмат сўзлардан узвий равишда ва кенг кўламда фойдаланиб келишган. Ҳурмат сўзлардан фойдаланиш ўз навбатида инсоннинг нақадар маънавий-маданий баркамоллигидан ҳам дарак берувчи ҳодисадир.

Хитойликлар бошқалар билан ўзаро сўзлашганда ўзларининг аждодларига ва ўзларидан ёш жиҳатдан катта бўлган яқин қариндошларига нисбатан 家 jia сўзини кўшиб ишлатиш урф бўлган. Масалан, отага нисбатан 家父 jiafu ёки 家严 jiayan (отага нисбатан) , 家母 jiamu ёки 家慈 jiaci (она) , 家叔 jiaishu (амакига

<sup>8</sup> Алпатов В.М. Категория вежливости в современном японском языке.- М.: Наука, 1973.13 -б.

нисбатан , 家兄 jiāxiōng (ака) ва ҳ.к.з.лар. Аксинча, ўзидан кичик бўлган яқин қариндошларга нисбатан «舍»she қўшиб айтилади. 舍弟 shedi (укага нисбатан) , 舍妹 shemei (сингилга нисбатан) , 舍侄 shezhi (жиянларга нисбатан) ишлатилади.

Шунингдек, бошқаларнинг оила аъзоларини аташда одатда ҳурматни англатувчи” 令 ” ling сўзи қўшиб айтиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, суҳбатдошнинг отасига нисбатан 令尊 lingzun , суҳбатдошнинг онасига нисбатан 令堂 lingtang , суҳабатдошнинг ўғлига нисбатан 令郎 linglang , суҳбатдошнинг кизига нисбатан 令爱 lingai , суҳбатдошнинг бошқа қариндошларига нисбатан 令亲 lingqin ишлатилади.

“家», «舍», «令” ҳурмат сўзларидан ташқари камтаринликни ифодаловчи сўзлар ҳам ишлатилади. Масалан, “小” xiao , 小女 xiao nu – (ўз қизига нисбатан) , 鄙见 bijian – (фикри ожизмизча) , ”寒 han” , 寒舍 hanshe – (ўз оиласига нисбатан) ишлатилади.

Шунингдек, кўп қўлланивчи ҳурмат сўзлардан қуйдагиларни ҳам мисол қилиб келтириш мумкин. “贵 gui” , 贵庚 guigeng – бошқаларнинг ёшини сўрашда ишлатилади , 贵姓 guixing – бошқаларнинг шарифини сўрашда қўлланилади.

大 da , 大作 dazuo – бошқаларнинг қилган ишига нисбатан , ”高 gao” , 高见 gaojian - фикрга нисбатан ишлатилади.

Қуйида яна бир қатор ҳурмат ва камтарлик сўзларнинг ўзаро муносабатига мисоллар келтириб ўтсак: масалан, биринчи кўришганда 久仰(jiu yang):

- узоқ вақт ўтиб кўришгандан сўнг 好久不见( haojiubujian);:
- йўл йўриқни сўратишни сўраганда 指教 (zhijiao):
- кимдандир кечирим сўраганда 包涵 (baohan);:
- кимдандир ёрдам сўраганда 劳驾 (laojia):
- кимгадир ташвиш ёки уринтириб қўйганда 打扰 (darao):
- бирор бир қулайлик яратиб беришини сўраганда 借光(jieguang):
- кимгадир бирон бир ишни қилиб беришни сўраганда 拜托 (baituo):
- кимнидир кўришга борганда 拜访 (baifang):
- кимдандир кузатиб қўймасликни сўраганда 留步 (liubu).

Хитой тилида ҳурмат маъносида суҳбат ёки ҳамсуҳбатдошларини тарк этишга тўғри келган вазиятда айтиладиган тушунчалар ҳам мавжуд. 失陪 shipei ёки бирон кишига ҳамроҳ бўлиши истагини билдиришда 奉陪 fengpei ишлатилади.

贵干 guigan кимдандир нима билан бандлигини сўрганда; 贵姓 guixing ҳурмат маъносида исм – фамилияни сўраш; 惠顾 huigu- савдода мижозга нисбатан илтифотли бўлиш маъносини англатади. 笑纳 xiaona эса совғани қабул қилиш пайтида миннатдорчилик маъносини англатиб келади. бошқаларнинг оиласига нисбатан ҳурмат маъносида айтилади.

Масалан, 贵府 guifu хурмат маъносида бошқларнинг оиласига нисбатан ишлатилади.

寒舍 hanshe - ўзининг оиласига нисбатан ишлатилади

恭喜 gongxi – кимнидир табриклаганда ишлатилади

斧正 fuzheng – кимдандир бирор ижодий ишини кўриб тузатиб беришини илтимос маъноларида ишлатилади.

请问 qingwen – кимдандар савол маъносида сўраш

光缆 guanglan – меҳмон келганда ишлатилади.

Шунингдек, хитой тилида ўзи ва ўзи билан боғлиқ кишилар ёки нарса ходисаларни аташ бўйича ўзига хос хурмат сўзлар мавжуд. Буларни мазмун моҳиятидан келиб чиқиб тахминан шундай таснифлаш мумкин.

1. Император ва юқори табақа вакиллари: 寡人 guaren , 孤 gu , 朕 guan。
2. Оддий фуқаролар: 愚 yu , 臣 chen , 小人 xiaoren , 仆 pu , 鄙人 biren , 小可 xiaoke , 不才 bucai。
3. Хотин қизлар: 妾 qie , 奴 nu
4. Ўзаро тенгдошлар: 愚兄 yuxiong , 劣弟 liedì , 小弟 xiaodi
5. Қариялар: 老朽 laoxiu
6. Бошқаларга ўз ўғлини атаганда: 愚儿 yuer , 犬子 quanzi.

Шунингдек, кишилар ўзини аташда ҳам маълум бир шакллардан фойдаланган. Ўзини номлашда фойдаланилган сўзлар лдатда камтарликни ифодалаш учун

хизмат қилади. Масалан, “论语”<sup>9</sup>да шундай жумла учрайди. “丘也在闻有国有家者...”. Ушбу жумладаги “丘” (qiu) сўзи Конфуцийнинг исми бўлиб, бу ерда Конфуций ўзини камтарона ном билан атаганлигини кузатиш мумкин. “丘” сўзи хитой тили изоҳли луғатларида шундай тушунтирилади: 小土山(xiaotushan),土堆 (tuduì) яъни кичкина тепалик, ер. Бу сўзни ўзбек тилига бадийроқ қилиб айтадиган бўлсак, “фақир” шаклида таржима қилишмиз мумкин. Маълумки, “фақир” сўзи ўзбек тилида ўзини камтарона номлаш сўзларидан бири ҳисобланади.

Ҳурмат сўзлар асосан 2чи шахс кишилиқ олмоши ўрнига, камтарлик сўзлари эса 1 чи шахс кишлиқ олмоши ўрнига ишлатилади. Бундай сўзлар олмош сўз туркимига мансуб бўлмаса-да, бироқ маъно жиҳатдан улар “Сиз”, “Мен”олмошларига тенг. Баъзи ҳурмат сўзлар феъдан олдин келиб ҳол вазифасини ўтайди. Масалан, 奉 (feng) 辱 (ru) 枉 (wang) 惠(hui) ва ҳ.к.з.лар. 奉 (feng) ҳолидан сўнг келаётган феъл албатта сўзловчининг ҳаракати билан боғлиқ бўлади (бирок қарши томон билан алоқадор бўлиши кеарк.) Масалан, 奉送 (fengsong) нинг маъноси ” миннатдорлик билан совға қиламан” ёки совға қилаётганимдан беҳад хурсандман.

辱 (ru) 枉 (wang) 惠(hui) каби ҳурмат маъносини англатувчи ҳолларнинг феъли қарши томоннинг ҳаракати билан боғлиқ бўлади ( бирок сўзловчининг ўзи билан алоқадор бўлиши лозим.) 辱 (ru) 枉 (wang)нинг маъноси шуки, қарши томон чўзловчи учун қандайдир ҳаракатни амалга оширгандан сўнг “оввора қилмоқ,

<sup>9</sup> Хитойликларнинг классик асари. Конфуций (мил авв. 479-551 ) қадимги Хитойнинг буюк мутафаккири, файласуф ва давлат арбоби, конфуцифчилик таълимотининг асосчиси.

урунтириб қўймоқ” маъноларни беради. 惠(huì) нинг маъноси, қарши томон агар шундай қилса ундан миннатдор, хурсанд бўлишдир. Масалан, 惠存 (huìcún) яъни ўзингизга олиб қўйингиз (сақлаб қўйингиз) хурсанд бўлардим ёки бўлмаса “миннатдорлик билан сизга қолдираман” ва ҳ.к.з.лар.

## 1.2. Хитой тилида хушмуомалалик категорияси ассоциатив фикрлаш масаласи

Тил – бу кодланган тизим бўлиб, инсонлар ўзларининг хоҳиш ва эҳтиёжларини ифодалаш жараёнида намоён бўлади. Бу тизим қадимдан инсонларнинг мулоқот жараёнидан ажралмас бўлган ва ҳозирги вақтда мулоқотга эҳтиёж сабабли ривожлана бормоқда. Мулоқот жараёни икки томонлама характерга эга бўлиб, доим хушмуомалалик шаклининг кодлари билан иш кўради.

Хушмуомалалик сўзларини, хушмуомалаликни ифодаловчи айрим формулаларни биз ҳар бир тилда кўришимиз мумкин. Масалан, ўзбек тилида ҳам ҳурматнинг лисоний ва нолисоний воситлари мавжуд. “Ҳурмат маъносини ифодаловчи нолисоний воситалар деб табассум билан қарши олиш, югриб келиб, тикка туриб эгилиб таъзим қилиш, қўлни кўксига қўйиб салом бериш каби ҳурмат хулқи (одоби) кўринишлари тушинилади”. Одатда улар тарихдан йиғилиб келган коммуникатив тажриба ва амалиёт, ахлоқ, одоб шаклининг синтезини, инсоннинг онгини ўзида мужассам қилади. Дунёқараш ва маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳар доим 礼 тушунчаси асосий ролни ўйнаб келган давлатнинг урф-одатларидан кўрсатиш мумкин, агар “хушмуомалалик тили” ва хушмуомалалик стратегиясини қўллашдаги лексикага эътибор қаратсак.

“先代汉语词典” (1996) луғатида “хушмуомалалик” 礼貌 сўзига қуйидагича таъриф берилган: “камтарлик ва ҳурматнинг тил ифодаланиши”. Хитой тилида

хушмуомалалик категориясини ифодаловчи лексик бирликлар инвентари кенгдир. Бу ҳам алоҳида сўзлар:

您 (nin) - сиз;

您老 (nin lao) – уй, ватан кабилар.

Барқарор сўз бирикмаси сифатида одатга айланган сўзлар: 大手笔 (dashoubi), 大马之 (damazhi) кабилар ҳам ишлатилади.

Камтарликни англатувчи 哪里哪里 (nail nali) – қайдам сўзи ҳам ишлатилади. Бу ишимизда асосан замонавий хитой тилида хушмуомалалик категориясини ифодаловчи восита ҳисобланган алоҳида сўзлар кўриб чиқилади.

Хитой лингвисти Чжоу Фуцзюаннинг фикрича, бундай тил ифодаланишга мисоллардан бири қариндош-уруғга мурожаат ҳисобланади. Хитой тилида қардошлик атамалари табақага мансублик, ҳурмат даражаси ва катталик тартибининг айрим қисмини ўзида мужассам этади. Лингвистика нуқтаи назаридан бу атамалар “хушмуомалалик муносабати” ҳисобланмайди, фақатгина жамиятда тилнинг ўзаро ижтимоийлашув жараёнида кишилар ўртасида вужудга келган ва бугунга келиб оммалашган сўзлар, масалан;

大爷 (daye) - отанинг катта акаси (бундан ташқари у атама сифатида жаноб, барин маъноларида ҳам қўлланилади.).

大娘 (daniang) – янга, чеча, келин ойи (отанинг катта акаси хотинига нисбатан ишлатилади.).

叔叔 (shushu) – амаки (отанинг кичик акаси).

阿姨 (ayi) - амма (ота томонидан), энага.

大妈 (da ma) – амма (ота томонидан), она томонидан (хола) маъноларида ишлатилади.

阿宝 (abao) – менинг қадирдоним, жоним, зиғирдаккина, яъни ушбу сўзлар эркалаш маъноларида келади [5]. Бу сўзлар мурожаат сифатида хушмуомалалик категориясини ифодалашда от ўрнида қўлланади.

Хитой лингвисти Хун Чэньюй фикрича, хушмуомалалик категорияси икки хил лексик бирлик ёрдамида ифодаланиши мумкин: 敬词, “хурмат” ва 谦词 “камтарлик”ни англатувчи сўзлар.

Хун Чэньюй қуйдагиларни биринчи гуруҳга киритади. Булар;

令 (ling) – сиз, буйрук, кўрсатма;

尊 (zun)- хурмат, эҳтиром, сертакаллуф;

敬 (jing)- хурматли, эҳтиром, сертакаллуф;

谨 (jin)-хурмат, хурматли;

谨赠 (jinzeng) – табрикнома (совғага ёзиладиган табрик сўзи);

贤 (xian) – қадирдон, азизим, қадирдоним;

高 (gao) - сиз, олий, муҳтарам, катта, улуғ;

大(da) – катта (ёшга нисбатан), буюк, чўнг;

宝 (bao) – гавҳар, жавҳар, жавоҳир, (қадирлаш маъносида) сиз;

玉 (yu) - нефритъ (хурмат маъносида) сиз;

芳 (fang) - ҳимматли, шавкатли, хайрихоҳ, яхши фазилат;

华(hua) – гул, башанг, дабдаба, ҳашамат(ли), шукуҳ (ли) серҳашамат(ли);

圣(sheng) – донишманд;

清(qing) – тоза, ранг (ли), сотилмайдиган (пок виждонли кишига нисбатан),

вафодор, содиқ;

拜 (bai) – боқмоқ, боқиб катта қилмоқ;

奉 (feng) – эътиқод, сиғинмоқ каби лексик бирликларни киритади.

Иккинчи гуруҳга эса 拙 (Zhuo) - ахмоқ, галварс;

寒 (han) – совуқ, хунук (муносабат ҳолатидаги вазият);

微 (wei) – илжаймоқ, тиржаймоқ, жонсиз, билинар – билинмас;

小(xiao) – фақир, пасткаш;

浅(qian) – майдафуруш, майдагап, эзма, хотинчалиш;

薄 (dao, bo) – ориқ, озғин (қоматни таърифлаш маъносида) ва бошқа сўзлар киради[3].

Ма Цинчжу таъкидлаб ўтадики, хитой тилида тил психологияси нуқтаи назаридан сўзларни танлашда, хусусан феълларда қадимги даврдан то ҳозиргача сўзловчининг позицияси катта роль ўйнаб келган. Хитойда тарихан иерархия босқичлари бўйича юқорида турадиганларга ва қуйи турадиганларга нисбатан ҳушмуомала муносабатда бўлишнинг мураккаб тизими юзага келган ва бу билан

бирга мос феъл гурухлари шаклланди: 对上类动词 “юқори иерархия феъллари” ва 对下类动词 “қуйи иерархия феъллари”.

Биринчи гурух феъллари тўғрисида гапирадиган бўлса, Ма Цинчжу уларни “ижтимоий мавқеси қуйи бўлганнинг юқори мавқели ёки ёши бўйича ундан юқори бўлганларга нисбатан муносабатда ҳосил бўладиган ҳаракатда, ҳамда юқори мавқега эга бўлганларнинг хулқ-атворини учинчи шахс номидан тасвирлангандаги ҳаракатни билдирувчи” феъллар деб аниқлаган [4].

Иккинчи гурух феълларига “қуйи мавқега ёки ёши жиҳатдан кичик бўлган шахсларга нисбатан ижтимоий мавқеси юқори бўлганларнинг ҳаракатини тасвирлашда” қўлланадиган феъллар киради[4].

Шундай қилиб, Ма Цинчжу юқори иерархия феълларига 拜 (Bai)- салом, салом бермоқ, таъзим қилмоқ, бош эгиш; 报 (bao) – мукофотламоқ, мукофот бермоқ, тақдирламоқ; 报答 (baoda) – тақдирлмақ; 朝见 (chaojian) – зиёрат қилмоқ, ҳаж қилмоқ; 崇拜 (chongbai) – сиғинмоқ, ҳурмат қилмоқ; ва бошқаларни киритади. Қуйи иерархия феълларига эса 爱护 (ai hu) - ғамхўрлик қилмоқ, эҳтиёт қилмоқ ; 保护 (baohu) – ҳимоя қилмоқ, сақламоқ; 发布 (fabu) – халққа билдирмоқ, эълон қилмоқ; 抚慰 (fuwei) – ҳамдард бўлмоқ кабиларни киритади[4].

Бу тенденцияни қамраб олган дунёни фикрлаш ва қабул қилишнинг, предметлар ва тушунча маъносининг “фиксация, яъни қайд қилиш” иероглифик усулининг ўзаро миллий хусусиятларининг чамбарчас боғланганлигини таниқли замонавий хитойшунос А.С.Васильев ҳам тасдиқлайди. У тахмин қилишича, “текстга ўқувчининг эътиборини тортувчи аниқ бир тасаввур солинган бўлиб,

нафақат лексик, балки образлилик-рамзийлик бирлиги сифатида белги-символ ёрдамида қўлланилиши асосан хатнинг ўзига хос хусусияти бўлган”[1, Б. 262-263].

Ассоциатив алоқа ҳақидаги савол айнан Хитой аспектига специфик алоқани билдирувчи белги ҳисобланади, ваҳоланки, характер жихатдан унчалик ноёб эмас. Бу ким ёки нима тўғрисида гап борилаётганлигига боғлиқ ҳолда сўзларни тўғри қўллашда амалга ошади. Бу тўғри қўллаш ҳар доим “координатив иерархия қонунлари”га бўйсунган. Масалан, императорнинг вафот этганлиги тўғрисида айтилаётганда оддий аристократга нисбатан бошқача атама қўллашган, лекин оддий одам вафот этганида бу атама қўлланмаган. Бунга боғлиқ ҳолда хитой тилига табиий ва қонуний ҳисобланган айрим ҳолатларда сўзлар ўзгартарилган. Сўз, тўғрироғи белги- ҳар доим ҳам унинг семантик майдонига мос келмайдиган ассоциатив ёруғлик гардишига эга. Семантика бир хил бўлиши мумкин, ассоциациялар эса қисман ўзгариши мумкин. Лекин ҳар бир ўқимишли хитой одами қайси белгини бир ҳолатда, қайсинисини эса бошқа ҳолатда ишлатиш кераклигини яхши билади. Шундай қилиб, сўз ва белги хитой маданияти тарихида семантик-ассоциатив майдони билан бирга боғлиқ ҳолда қолган.

Хитой маданиятида “ички” ва “ташқи” ижтимоий муносабатлар тушунчалари муҳим ҳисобланади. “Ташқи” тушунчасида бегона инсонларнинг тасодифий, вақтинчалик мулоқот ҳолатлардаги ўзаро муносабати тушунилади. “Ички” муносабатларда эса – биринчидан, конфуций этикетидаги тасвирланган муносабат: ҳукмрон қилувчи-бошқарувчи, ота-ўғил, эр-хотин, катта-кичик, ўртоқ-ўртоқ, ҳамда “биргаликдаги” муносабат, яъни биргаликдаги иш, ўқиш, бир шаҳарда яшаш ва бошқалар билан боғлиқ бўлган инсонларнинг муносабати тушунилади. И.Г.Жуламановнинг айтишича, хитой маданиятига коммуникантлар орасидаги “ички” муносабат “ташқи”га қараганда юқори даражада ҳушмуомалаликни талаб қиладиган маданий-специфик ҳисобланади [2].

Хатто ҳар хил ижтимоий табақадаги инсонларга айтилган битта жумла мулоқот контекстида турли хил коммуникатив нагрузкаларни келтириб чиқаради. Масалан, 好 сўрашиш бошлиқ ёки қариндош ва яқин дўстларга нисбатан.

Бундан ташқари, хитой тилида катта авлодга нисбатан мурожаат қилишнинг бир қатор клише (қолипдаги гаплар) – бахт, омад, тинчлик-хотиржамлик тилаклари мавжуд: “新年快乐”; “身体健康”; “福如东海”, “寿比南山” ва бошқалар. Бу билан бирга шу ҳолатда катта авлод ҳам ёши бўйича кичик бўлганларга нисбатан мурожаат этишда бошқа бир клише - тилаklar мавжуддир: “新年好”; “祝小 .....生日快乐”, “狗头 狗 脑”, ”长命百岁”; “事业顺利”; “学习进步” ва бошқалар.

Бу боғлиқликда Ма Цинчжу тахмин қилишича, у ёки бу хушмуомалалик стратегиясининг тилдаги ифодланиш шакллари биринчи ўринда ижтимоий оралиқ ва коммуникантларни ҳукмронлигига нисбатан боғлиқ ва бу жадвалда яққол тасвирланган:

| Мулоқот даражаси                | Коммуникантлар орасидаги муносабат | Хушмуомалаликнинг қўлланиши                        |
|---------------------------------|------------------------------------|--|
| Юқорида турувчи-пастда турувчи- | Қариндош/<br>Бегона                | Қўлланилмайди/<br>Қўлланилади                      |
| Тенг муносабат                  | Қариндош/<br>Бегона                | Қўлланилмайди/<br>(қўлланилиши мумкин)/қўлланилади |
| Пастда турувчи-юқорида турувчи  | Қариндош/<br>Бегона                | Қўлланилади  |

Аслида, хушмуомалалик сўзларини қўллашда бир қанча омилларга эътибор бериш керак: мулоқот, мулоқот контексти ва кимга мурожаат этилаётган шароитга қаралади. Хушмуомалалик иборалари бегона инсонлар орасидаги мулоқотдаги қийинчиликларни бартараф этади ва бунда албатта қоидага асосан иборалар нутқ бошида (您好 nínhao) ва охирида (再见 zaijian, 好的 haode, 对不起 duibuqi, 谢谢 xièxiè) қўлланади.

Юқорида айтиб ўтилганлардан шу хулосага келиш мумкинки, хитой тилида хушмуомалалик категорияси ўзининг специфик хусусиятларига эга: 1) сўзлар каторини (хурмат хусусиятига эга нутқ); 2) қариндошларга ва ёши катта инсонларга хушмуомала ва хурматни билдирувчи бир қатор махсус сўзлар мавжуд; 3) нутқда у ёки бу хушмуомалалик сўзлари аниқ бир ҳолатга, мулоқот контекстига ва коммуникантларнинг ижтимоий мавқесига боғлиқ; 4) хушмуомалалик сўзларини нутқ боши ва охирида қўллаш мулоқотнинг барқарор шакли ҳисобланади.

## II боб Ўзликни англаш жараёнида тилга ҳурмат масаласи

### 2. 1. Хитой маданиятида инсон танаси ва руҳияти ёрдамида ифодаланадиган ҳурмат категорияси

Хитойда қадимги даврдан инсоннинг руҳий ва физик ҳолатнинг бир бирига боғланган ҳолати деб қабул қилишган. Инсон, хитой анъанасига асосан, руҳнинг 2 тоифасига эга – “хунь” ва “по”. “Хунь” руҳи анъанавий ҳолда онг ва руҳий муҳит функциялари билан, “по” руҳи эса – физиологик ва ҳаракатланувчи функция билан боғланган. Танасининг камол топиши ва ахлоқ-одобнинг юқорига чиқиши хитойликлар учун яхлит жараён ҳисобланган. Жисмония, физиологик гармонияга эришишга интилиш Хитойда турли хил руҳ ва тананинг гармониясига эришиши учун аниқ бир физик машғулотлар бажаришга йўналтирилган мактабларнинг ривожланишига олиб келди. Ҳар бир шахснинг танасида, хитойликларнинг анъанавий қарашларига асосан “инь-ян” динамик баланс асосий қоидалари мавжуд бўлиб, “инь” худди Ернинг тимсоли, “ян” эса Осмоннинг тимсоли деб ўйлашади. Хитой халқ маданияти инсон танаси “инь” ва “ян” ҳамда “беш элемент”(ер, сув, олов, металл, дарахт) гармонияси орасида мувозанатни ушлаб туриш муҳим ҳисобланган микрокосмни ўз ичига олади.

Имо-ишора ва мимика. Кўпгина имо-ишоралар Хитойда қадимги даврдан сақланиб келган. Масалан, сўрашиш удуми ҳисобланган икки қўлнинг кўкрак олдида тахланиши қадимда биринчи навбатда зарба беришни хоҳламаслик ёки бир қўлининг қафти очик бўлиб иккинчи муштум қўлини ушлаб кўришиш Хитой табиат фалсафаси ҳисобланган икки қарама-қарши “инь” ва “ян” рамзини билдирган [1]. Шу қўл билан сўрашиш орқали хитойликлар ўзларининг қариндош ва яқинларини баҳор байрами, туғилган кун, хизматда кўтарилишларда табриклашади. Ёш хитойликлар бу удумни ғарб удуми бўлмиш қўл билан

сўрашишга алмашишган. Лекин хитойликлар томонидан оширилаётган бу удум айрим хусусиятларга эга. Агар ўнг қўл банд бўлса чап қўл билан сўрашиш оддий хол ҳисобланади. суҳбатдошининг қўлини ушлаб анча вақтгача қўйиб юбормайди. Бу билан хитойлик унга нисбатан бўлган хурматини ошкора қилади. Кўп хитойликлар суҳбат вақтида суҳбатдошининг тирсаги ёки елкасини ушлаб, енгини силаши одатга айланган. Бунга сабаб хитойда инсонлар билан кўришиш удуми таъқиқланган бўлган. Шунинг учун инсонларнинг бир-бирига бўлган яқин муносабат уларнинг ўзаро муносабатини очади, уларга нисбатан илиқлик ва ишончлилик, ғамхўрлик рамзини билдиради. Ҳозирги вақтда ёшлар орасида ғарб маданиятига хос бўлган айрим ҳолатларни кўриш мумкин: шахар кўчасидаги икки ёшнинг ўпишаётганини, талаба ва ёшларнинг кўчада бир бирининг қўлларини ушлаган ҳолда ёки бир-бирнинг елкасига қўлини қўйган ҳолда сайр қилишлари одатий тусга кириб қолди.

Мимик ифодалашда ўзини тута билиш. Хитойликларда мимик ифодалаш анча оддий. Асосий ифодалашдаги иш кўз ва қошга тушади. Айнан шу суҳбатдошига хитойликнинг кайфияти ва ғами хақида қўшимча маълумот беради. Қадимги ананаларга кўра хитойликнинг юзи беғараз ва мулойимликни билдириши лозим. Суҳбат вақтида хитойликлар юзи ва танасининг ҳолатини ҳаракатлантирмасликка ҳаракат қилади, тўғри ўтиришади, деярли қимирлашмайди. Хитойликлар суҳбатдошига тўғри қарашдан ўзини олиб қочишади, чунки уларнинг ўйлашича, буни фақатгина душманлар ёки бир бирини ёқтирмайдиган одамлар қилишади. Суҳбатдошининг кўрсатиш бармоғи хитойлик томонига қаратилган бўлса, бу ҳақорат, ёмон тарбия белгиси ҳисобланади. Хитойликлардаги маъқуллаш ишораси рус одамларнинг бош бармоғини тепага кўтаргандаги ишора ҳисобланади. Икки қўлнинг бош бармоқлари бирга бўлгани кимнингдир севги муносабатига ишора қилади. Кўрсатиш бармоғи билан юзини силаса, бунда суҳбатдошини уялтириш нияти борлигини билдиради.

Хитой цивилизацияси қоидалари билан боғлиқ ҳолда шахсиятнинг шакилланишида Конфуций ўқилиши катта таъсир ўтказган. Файласуф инсон ўзининг олдидаги ва жамият олдидаги ахлоқий мажбуриятларини шакллантириб берган. Конфуцийчиликнинг ахлоқий идеали - шахсий мукаммаллашув, доимо “ўзини қўлга олиш” (кэ цзи), яъни “Дао” йўлидир. Конфуцийнинг ҳаётий идеали – қонун-қоидаларни бузмаган ҳолда юракнинг интилишларига риоя қилиш [2].

Бутун хитой тарихи давомида Конфуцийчиликда ахлоқий ва этика шакллари ва қоидаларини бажариш улар ҳаётидаги яшовчиларига хос бўлган. Одоб-ахлоқ қоидаларини ва аждодларимиздан қолган тарихий меросларни бузишда жазолашга тортилган, қоида бузувчилар таъқиб қилинган ҳамда жамият ва ҳукумат фикри билан муҳокама қилинган [3].

Одобни тарбиялашда оиланинг тасири. Конфуцийчилик идеологияси одобни тарбиялашда оиланинг таъсирида амалга ошишини тасдиқлайди, чунки бошқа инсонларга нисбатан муҳаббат туйғусини тарбиялаш фақатгина оилада сингдирилган бўлиши мумкин. Инсоннинг ахлоқ ва одоб тарбиясининг асоси оила ҳисобланиб, бу миннатдорчилик ҳисси орқали амалга ошади: ота-онамиз бизга кўп нарсалар қилган, биз уларни яхши кўришимиз керак. Конфуцийчилик тарбия нормалари биринчи ўринда катталарга ҳурматни кўяди. Бу ҳурмат қилиб бош эгишга қуйидаги конфуцийчилик принциплари боғлиқ: “Негиз қўйилиши билан йўл ҳам туғилади. Ўғиллар ҳурмат, эҳтиром (сяо) ва катталарга ҳурмат (ди) – бу меҳрибонлик негизидир”[4]. Конфуцийчилик тарафдорлари тахмин қилишардики, инсон табиати оилада сингдирилган муҳаббат ҳиссини бошқа яқин бўлган инсонга нисбатан қўллашга йўл қўймайди. Инсон ижтимоий жонзот каби конкрет яқин инсонлар билан муносабатда бўлишга интилади ва бу муносабатлар “ли” махсус қоидалар ёрдамида тузилади. “Ли” тушунчаси диний этиканинг юқори симболи (рамзи) бўлиб, ижтимоий тузуми ва инсон тарбиясида умумий ижобий характеристикага айланган. Одоб қоидалари тартибининг бир қисмини

ташқил этади. Ҳозирги замонавий ҳаётда “ли” концепцияси ўзининг аҳамиятини йўқотмаган, бу жамоат жойлари, қариндошлар, дўстлар, бегона инсонлар билан муносабатда намоён бўлувчи хусусиятларда ўз аксини топади.

Юз этикаси. “Юз этикаси” маъноси шундаки, инсон ўзининг ғурур ҳиссини ва бошқалар ғурурини англаб етишдир. “Юз” каби ҳодисани билдириш учун хитойликлар икки атамани қўллашади: “маньцзы” ( моддий омад орқали эришилган муваффақият) ва “лянь” (якши ахлоқий обрўси бўлган инсонга нисбатан гуруҳнинг ҳурмати). “Юз”га эга бўлган индивид, хитойликларнинг тасавури бўйича, бошқа инсонларнинг “юз”ини сақлаб қолиш ҳақида ғамхўрлик қилиши зарур. Хитойликлар “юз”га катта аҳамият беришади, юз улар учун бошқа нарсаларга нисбатан катта аҳамиятга эга. Хитойшунослар Тертицкий К.М., Малявин В.В. [7], Девятков А.[8] ва бошқалар хитойликларда юз этикаси психологиянинг қуйи структураларидан бири эканлигини таъкидлашади.

“Юз” тушунчаси ўзининг гуруҳи аъзоларига нисбатан муносабатида индивиднинг тўғрилиги ҳақидаги тасавури билан боғланган. Яқин инсонлар бир-бирига тўғри бўлишлари керак – бир-бирларига муносабат жиҳатидан мажбуриятларни бажаришга бор кучи билан ҳаракат қилиши керак. Тўғри бўлмаган индивид – бу индивид “юзсиз”дир. “Юз” концепцияси билан боғланган муносабатлар ва кўрсатмалар системаси ёрдамида индивид гуруҳга яхлит ҳолга келтирилган, унинг нормалари ва “тартиб”ига итоат қилади.

Модернизация ва удумни сақлаб қолиш муаммоси. 1970 йилларнинг охиридан то 1990 йилларнинг бошигача Хитойда модернизация жараёнида жамият ҳаётининг ҳар томонлама таъсир қилади ва хитойликнинг хитоймаданияти удумларини сақлаб қолиш муаммоси билан юзма-юз қилган реформалар бўлиб ўтган. Модернизация амалга оширилиши билан турли хил ижтимоий муаммолар – наркомания, оила инқирози ва бошқа кабилар пайдо бўлмоқда. Инсонлар орасидаги муносабатлар виждон, мажбуриятга қарама-қарши қўйилган

фойдалилик призмадан кўриб чиқилади. Бу ўз ўринда ижтимоий ҳаётда ахлоқий чегаралар, ахлоқий қадриятни камситилишига олиб келмоқда.

Ҳозирги даврда хитой жамиятида Хитойнинг бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ одоб ва ахлоқ доирасидаги ўзгаришлардан хавотирланувчи инсонлар йиғилган. Хитойлик тадқиқотчилар “Беғараз қизиқишларга дарвоза очишинг биланок, дарҳол тўхтатиб бўлмайдиган худбинлик тошқини бостириб келади; натижада асосини “альтруизм” нормалари ташкил қилувчи аввалги ахлоқ-одоб нормалари эътиборга олинмайди ва камситилади”[9] деб ўйлашади.

Хитой маданиятида “эркак” ва “аёл” тушунчалари анъанавий сифатда “жинсларнинг физиологик дифференцияси натижаси эмас, балки реал турмушда юқори анъана бўлиб қолган кучларнинг гавдаланиши натижаси сингаридир”[11]. Эркак ва аёл орасидаги муносабат ўрнак бўла оладиган эркак ва аёл орасидаги муносабатлардан анъанавий хитой оиласи ҳисобланади. Хитой оилалари биринчи галда репродукция қилиш сабабли вужудга келган. Шунинг учун, ҳиссий, муҳаббат муносабатлари аҳамиятга эга бўлмаган. Ёш келин-куёвлар бир неча кунгина бир ўринда ётишган. Кейинчалик улар бир хонада, фақатгина алоҳида ўринларда ётишган. Омма олдида улар бир-бирига нисбатан бефарқликларини кўрсатишлари керак бўлган. Шундай қилиб, эротик муносабатлар бошқача тусда бўлган, чунки бу оила бошидан уларнинг амалга ошиши учун майдон ҳисобланмаган.

Рафиқа, она, оиланинг хоними статуслари хитой оиласида юқори бўлмаган ва итоат қилиш ҳақидаги уч конфуцийчилик вазифаларига асосланган: отаси йўлида ўзини қурбон қилиш; эри йўлида ўзини қурбон қилиш; ўғли йўлида ўзини қурбон қилиш. Агар бева киши учун қайта оила қуриш оддий ҳол ҳисобланган бўлса, бева аёлга эса қайта оила қуриш номуссизлик ҳисобланган. Эркак киши учун хиёнат ғайритабиий ҳисобланмаган бўлиб, аёл киши учун эса ўзини қурбон қилишгача борадиган куч.

Хитойликлар “макон” ва “замон” абстракт тушунчаларига қизиқишларини намоён қилишмайди. Инсон кундалик ҳаётидаги турмушда учрайдиган тушунчаларга, мақсад ва вазифаларига эътибор қилишни афзал кўради. Гарчи қадимги ёзувларда “юй чжоу” – “буюк космос” атамасини учратиш мумкин бўлса ҳам. Бунда хитой маданиятида макон ва замон ҳақида гап борилади. Анъанавий ҳолда макон ва замоннинг объектив белгиларига эмас, балки субъектив факторга, инсон ҳаётига, унинг ишлари ва имкониятларига эътибор қаратилади [13].

Анъанавий халқ маданиятида макон гармонияси ҳақидаги тушунча асосини “Инь” ва “ян” кучлари ташкил этади, ҳамда “беш элемент”, “беш йўналиш”, “бешта тон”, “бешта ранг”, “бешта сон”. Бу ҳамма таркибий қисмлар хитой геомантияси тизимига киритилган – “фэншуй” – макондаги аниқ тартиб ва гармонияси. Геомантия орқали тўғри маконга оид хулосаларни аниқлаш ўтмишда бўлган ва ҳозирда хитойликларнинг кундалик ҳаётида муҳим элементлардан бири бўлиб қолмоқда. Замонавий хитойликлар ҳалигача тўғри геомантик жойлашув тинчлик, хотиржамлик ва тижоратда омад келтиришига ишонишади.

Турли хил адабий ва илмий манбаларнинг анализи асосида шуни тасдиқлаш мумкинки, замонавий ёш хитойликларнинг ўзини ўзи англаш сируктурасида анъанавий макон ва замон кўринишига содиқлик сақланиб қолади. Бу тасаввурлар хитойликларни нафақат ўтган ва ҳозирги замон билан балки уларнинг турар жойларидан қатъи назар барча хитойликларни ягона этносга бирлаштиради.

Инсоннинг бошқа инсонлар билан ўзаро муносабатини аниқловчи ҳуку ва мажбурият системаси орқали анъанавий маданият шаклланади. Инсонлар муносабатида гармонияга эришиш ҳар доим хитой маданиятида бойлик ҳисобланади. Бу хитой халқи анъанавий ҳолда раҳбарлик қилаётган конфуцийчилик этикаси асосини ташкил қилади. Конфуцийчилик фалсафаси гармонияга икки доирада эришишни муҳим деб тан олади: оилавий муносабатларда ҳамда тирик ва ўликлар орасидаги муносабатларда.

Оилавий муносабатларда гармония ота-онасини яхши кўрувчиларга, ҳурмат қилувчи ўғилларга, ака-уканинг розилиги ва ҳамдардлиги, яшаб ўтган аждодларига муносабатининг мавжудлиги орқали эришилган. Бу инсоний муносабатлар идеали хитой маданиятида чуқур негизга эга.

Хитойда оила ҳар доим нафақат базавий ижтимоий гуруҳ бўлган, балки барча ижтимоий ташкилотлар прототипи ҳам бўлган. Қариндошлик муносабатлари жамиятда барча муносабатларнинг қурилишида асос бўлиб хизмат қилган.

Конфуцийчилик анъанавий идеали бўлиб патриархал оила ҳисобланган. Кўп болаликлар қариликнинг таъминланганлиги кафолати деб қабул қилинарди. Конфуцийчилик нормалари тартиб-интизомда биринчи ўринда катталарга ҳурматни олдинга суради. Ўз каторида катталар ёш авлодга нисбатан ғамхўрлик қилади, ўқитади ва ҳаётда ёрдам беради. Қатъий иерархия инсоннинг жамиятдаги туғилганидан бошлаб ўрнини белгилаб қўяди. “Шахс”ларнинг табақа жиҳатидан тенгсизликни англаш жамиятда барқарорликни таъминлайди. Оила замонавий хитойликларда европаликларга қараганда кундалик ҳаётда катта ролни ўйнайди, омадсизлик пайтида ижтимоий кафолат, моддий ва ахлоқий суғурта сифатида бош манба ҳисобланади. Аммо ҳозирги пайтда оила ҳақидаги анъанавий таассуротлар кўпгина ўзгаришларга дуч келмоқда.

Хитойлик олимлар тадқиқотларида қуйидаги оилавий тарбиядаги ва анъанавий ахлоқдаги муаммолари келтирилган. Кўпгина оилалар маданий революция вақтида тажовузларга, хонавайронликларга учраган, айримлар эса қатл қилинган. Ҳозирги вақтда оилавий тарбияда янги муаммоларга дучор бўлмоқда. Хитой жамиятидаги янги муаммоларга қуйидагилар киритилади: 1 – кўп оилаларнинг маиший шароити қисман яхшиланган; 2 – бир болали оилалар сонининг ортиши; 3 – кўпгина ота-оналар фарзандларининг келажагини институтда ўқитиш билан боғлайди, фарзандларини эрталабдан кечгача китоб

ўқишга мажбурлашади. Хитой тадқиқотчилари ҳозирги вақтда ота ва ўғил орасидаги икки қарама-қарши муносабат мавжудлигини айтиб ўтганлар: тўлиқ ва ота-онага сўзсиз итоат қилувчи.



“卿” qīng – амалдор;

“大夫”<sup>12</sup> dàfu – зиёли, уламолар.

3) ёши каттароқ ва обрў-эътиборли одамларга:

“夫子” fūzi – эр;

“先生” xiānshēng – жаноб.

4) оддий одамларга: “子” zǐ.<sup>13</sup>

Кимсани аташнинг яна бир усули бу – хурматни ифодаловчи равишлардан фойдаланиш, яъни феълдан олдин хурмат-эҳтиром билдирувчи сифатлашлар (эпитет) қўлланилган. Булардан кўп учрайдиганлари қуйидагилар: “敬” jìng – шарафга эга бўлмоқ; “谨” jǐn – эҳтиром ила. Масалан:

«Тарихнома» нинг “Ченше шижя” (史记•陈涉世家) бўлимида ёзилишича: “敬受命”. jìng shòu mìng ( Буйруғингизни қабул қилиш бахтига муяссарман ) .

«Тарихнома» нинг “Сянгюй таржимаи ҳоли” (史记•项羽本纪) бўлимида: “谨诺” jǐnnuò ! ( Лаббай! ) .

<sup>12</sup> Хитойда Бахор ва Куз (Чуньцо эр.авв 770-476) даврида жамият ижтимоий қатламларига бўлинган бўлиб, оксуяклар синфига кирувчи 3 қатламдан бири - 大夫 бўлган. (诸侯 чжухоу (князь) →大夫 дафу (уламо) →士 ши (зиёли)). Замонавий хитой тилида 大夫 dàifu ўқилиб, “шифокор” маъносида қўлланилади.

<sup>13</sup> 子 кадимда эркакларга нисбатан ишлатилган эҳтиром сўзи, ўзбек тилидаги –жон суффиксига тўғри келади

Бундан ташқари “请” qǐng – илтимос, “幸” xìng – умид қилмоқ, “辱” rǔ – хорламоқ, ерга урмоқ, “惠” huì – саховат кўрсатмоқ каби сўзлар хурмат маъносини кучайтиришда хизмат қилган.

“请” ўзгалардан бирор ишни қилишга руҳсат сўралганда ишлатилган. “幸”, “惠” қарама-қарши томондан эзгулик, розилик олмоқни ифодалайди. “辱” эса камситишни эшитмоқ, ранжимоқни ифодалайди.

**Камтарликни билдирувчи сўзлар** шунингдек ( 谦称 qiānchēng ) камтарин атамалар деб ҳам аталади. Улар инсон ўз-ўзини ифодалаганида ишлатилган.

Одатда ёши улуғ инсонлар ёки тенгдошлар билан мурожаатда камтарликни билдирувчи сўзлардан кўп фойдаланилган. Қуйидаги усуллар орқали ифодаланган:

**Биринчи усул:** 1-шахс кишилик олмошлари ўрнига камтарликни ифодаловчи махсус атамаларни қўйиш. Масалан:

а) ҳукмдор ўзини “寡人” guǎrén – биз, “孤” gū – ёлғиз, ғариб каби номлар билан атаган.

б) ҳукмдорга нисбатан ёши улуғ инсонлар ёки унинг тенгдошлари ўзини “臣” chén – сизнинг қулингиз, “愚” yú – тентак, “仆” pú – хизматкорингиз, “小人” xiǎorén – пасткаш, “鄙人” bǐrén – қулингиз деб аташган. Баъзи бирлар ўзини исми билан ҳам аташган.

**Иккинчи усул:** камтарликни билдирувчи равишлардан фойдаланиш, яъни феълдан олдин камтарликни ифодаловчи махсус сўзларни ишлатиш, кўпинча

“窃”qiè – пинхона, “敢” gǎn – журъат этмоқ. “窃” пинхона фикрни ифодалайди, бу фикр нотўғри бўлиши ҳам мумкин.

Масалан, Ли Сининг (?-М.а.208)<sup>14</sup> «Жянчжу кешу» (谏逐客书) асарида ёзишича:

“臣闻史议逐客卿，窃以为过矣”。Chén wén shǐ yì zhú kè qīng, qiè yǐ wéi guò yǐ.

( Эшитишимча, сарой аёнлари мухожирларни мамлакатдан чиқариб юборишни таклиф қилишибди, менинг (пинхона) фикримча, бундай чора қўллаш нотўғри ) .

“ 敢 ” gǎn – ўз муносабатининг эркинлигини билдиради. Масалан, «Зожуан»нинг “Ингонг<sup>15</sup> хукмронлигининг биринчи йили” (左传•隐公元年) бўлимида ёзилишича:

“敢问何谓也”。Gǎn wèn hé wèi yě (Сўрашга ижозат берсангиз, бу нима дегани?)<sup>16</sup>.

<sup>14</sup> 李斯 Lǐ Sī – Чин даври давлат арбоби, Чин Шихуангнинг биринчи вазири. (32,1252)

<sup>15</sup> 隐公 Yǐngōng (722-712) Чунцю даври, Лу подшолигида (魯, хозирги Шандонг) хукмронлик қилган.

<sup>16</sup> 22,486

### Хулоса

Юқоридагилардан куйдагича умумий хулосага келиш мумкин.

Хитой тилидаги мурожаат сўзлар соддалаштирилиб, ягона тизимга келтирилмоқда. Хусусан, хитойнинг ҳурмат категориясини ўрганар эканмиз, ушбу ўринда социалистик тузумда бўлиб келаётган замонавий Хитой халқи оилаларида ҳурмат билан боғлиқ анъанавий этикетларнинг трансформациялашув жаарёнлари қандай кечмоқда, каби масалалар моҳиятини ўрганиш ишмизнинг мазуминини ташкил қилади.

Биринчидан, Хитойнинг ислохотлар сабаб ғарб билан кенг муносабатларга кириши оилада ёшлар билан қариялар ўртасида ҳам маълум ўзгаришларга олам келмоқда.

Иккинчидан, Конфуций таълимоти минг йиллар давомида Хитой жамияти ижтимоий ҳаётида стержен вазифасини бажариб келган бўлса-да, аммо кузатувлар Конфуцийнинг этикт ҳақидаги таълимотларида жиддий ўзгаришлар рўй берганлиги англашилмоқда. Маълумки, ҳар қандай тилни ўрганишда авваломбор ўша тил билан боғлиқ бўлган мамлакатнинг маданияти ва жамияти билан танишиш талаб қилинади.

Сўнгги вақтларда хитой тилининг хоржий тил сифатида ўқитилиши боис ижтимоий лингвистика (социолингвистика) тобора ривожланиб борапти. Бироқ хитой тилида ҳурмат категориясини ўрганиш жараёнида турли хил муаммолар юзага келади. Биринчидан, бизнинг жамиятларимиз ҳар хил дунёқарашлар, қадриятлар, оилавий анъаналарга эгадир. Ушбу кескин фарқ тилнинг структураси, уни татбиқ этиш ва тилга оид бўлмаган вазиятларда кузатилади. Иккинчидан, хитой тилида ҳурмат категорияси кенг маъно ифода усулларига эга бўлиб, уни ўз ўрнида қўллаш анчайин (фалсафий, мимик, юз ифода, ўта мулойимлик, ҳазил –

мутойба, қолаверса, ченюйларни пухта билиш) меҳнат талаб қилади. Ушбу жиҳатлар мукамал эгалланмас экан хитойлик билан мулоқотга кириш ёки суҳбат куриш кутилган натижаларни бермайди. Шунинг учун ишда хитой тилда тез тез қўлланиладиган ҳурмат категориясини ўрганишга ҳаракат қилдик.

Хитой тилшунослари оиладаги ота – оналарга, болаларга, эрнинг ота –онасига, келинига, хотиннинг ота–онасига, куёвга эрига, хотинига, ака ёки опага, ука ёки сингилга, қудаларга, амаки ёки тоғаларга, хола ёки аммаларга нисбатан бўлган мурожаат сўзларни фарқлашади.

Бошқа тилларга қараганда хитой тилида ҳурмат сўзлар тизими жуда мураккаб ва турлича ривожланган. Ва ишда масаланинг ушбу жиҳатлари эътиборга олиниб ҳурмат категорияларини тасниқлашга ҳаракат қилинди.

БМИ ишида асосан ўзаро мурожаатда ҳурмат маъноларини англатувчи сўзлар танлаб олинди. Асосан, булар Ота, она, ака - сингил, опа -укалар муносабатларида кенг қўлланиладиган кундалик ҳаётимизда тез–тез учрайдиган ҳурмат маъносидаги сўзлардир.

БМИ ишида хитой тилида ҳурмат маъносини англатидаган сўзларнинг сермахсуллиги нуқтаи назардан таснифлашга ҳаракат қилинди.

Умуман, ушбу мавзу ўз устида йирик илмий тадқиқотлар олиб борилши кераклигини кўрсатмоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч .- Тошкент: Маънавият, 2008.-Б.83.

#### Ўзбек тилида

2.1. Содиқова Ш.Б. Ўзбек тилида хурмат категорияси Тошкент- 2010.96 б.

2.2. Гуломов А. Ўзбек тилида кўплик категорияси. – Т., 1944. 56- б.

2.3. Раҳматуллаев Ш. Хурмат формаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1973.- №1. 28-30-б.

2.4. Ҳожиева Ҳ. Ўзбек тилида хурмат майдони ва унинг лисоний –нцтқий хусусияти: Филол. Фанлари номзоди.. дис. – Самарқанд, 2001.130б.

#### Хитой тилида

3.1. Чжао Тидун. Лунь миньцзу чуаньтун вэньхуа ды чжутисин // Бэйцзин дасюэ сюэбао. Пекин,1994. №3.С. 121 – 128.

3.2. Ли Ганю, Гао Цзинвэнь. Шичан цзинци юй даодэ дайцзя// Чжэсюэ яньцз.. Пекин, 1997. С. 22// Социальные и гуманитарные науки. Зарубежная литература. Серия10. Китаеведение. М., 1998. №2. С.74.

#### Рус тилида

4.1. Васильев Л.С. Проблемы генезиса китайской мысли: формирование основ мировоззрения и менталитета / Л.С. Васильев- М.: Наука,1989.- 307с.

- 4.2. Жуламанова И.Г. Кросс – культурные теории вежливости и стратегии речевого поведения / И.Г. Жуламанова// Изучение китайского языка – М.: “Муравей”, 2003 .- С.73-83.
- 4.3. Барский К., Палецкий Д. Китайская грамота мимики и жестов // Азия и Африка сегодня. 1994. №4.С. 59-63.
- 4.4. Малявин В.В. Китайская цивилизация. М. , 2002.С. 170.
- 4.5. Чукас Е.А. Влияние Конфуцианской философии на семейно – бытовые отношения в Китае // Россия и Китай на дальневосточных рубежах. Благовещенск,2002.С. 439.
- 4.6. Васильев Л.С., Кобзызов А. И. Предсловие // Этика и ритуал в современном Китае: Сб.статей/ Под ред. Л.С. Васильева. М., 1988.С.5.
- 4.7. Тертицкий К.М. Китайцы: традиционные ценности в современном мире. М., 1994. С.196.
- 4.8 . Малявин В.В. Китайская цивилизация. М.,2002.
- 4.9 Девятов А. Красный дракон. Китай и Россия в XXI веке. М., 2002.
- 4.10. Делюсин Л. Модернизация и учение Конфуция// Азия и Африка сегодня. 2002.№7.С.11.
- 4.11.Маслов А.А. Образы маскулинности – фемининности и супружеских отношений в традиционном Китае // Вестник Московского университета. Серия: Востоковедение. М., 1997. №5. С.56.